

## Ташқи кўринишга қараб кишиларга баҳо берилмайди



17:03 / 25.11.2023 1577

Имом Заҳабий роҳимаҳуллоҳ ўзининг «Сияру аъломин нубало» китобида келтиради:

**«Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг мажлисларига келди. Умар розияллоҳу анҳу ўша пайтда халифа эди. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу бўйи паст ва озғин инсон бўлгани учун кишилар орасида турганида кўринмасди. Умар розияллоҳу анҳу унга лутф қилар, уни кўрганларида юзлари ёришиб кетар эди. Озғин бўлса-да, «Илмга тўла хумча», дер эдилар.**

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу бу дарсни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан олган эдилар.

Бир куни Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу хурмо териш учун дарахтга чиқди. Озғин, ингичка оёқларини шамол очиб юборди. Бу оёқларни кўрганлар кулишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

- Нега куляпсизлар? – деб сўрадилар.

- Эй Аллоҳнинг расули, унинг оёқлари нозиклигига куляпмиз, – дейишди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: Аллоҳга қасамки, у

қиёмат кунда Ухуд тоғидан ҳам оғир бўлади, – дедилар.

Инсоннинг инсонлиги унинг вазни, моли, кийими билан эмас, қалби, ақли ва тили билан экан. Баъзида озғин кишиларни кўрамиз. Уни назаримизга илмаймиз. Аслида, унинг Аллоҳ билан ўртасида шундай ибодатлари бўладики, бизга бошқа умр берилса ҳам, унча қила олмаймиз.

Баъзида эса кўриниши чиройли, савлатли, пўрим кийимларда юрган кишини кўриб, улуғ инсон деб хаёл қиламиз. Аслида, қилган фиску фужури сабаб уни ер лаънатлаб туради.

Ҳар бир озғин киши соиму қоим бўлавермайди. Ҳар бир савлатли, барваста киши ҳам фосиқ бўлавермайди. Ташқи кўринишига қараб кишиларга баҳо бермаслигимиз керак.

Аллоҳ таоло камбағаллигидан фақирни фақир қилмаган. Аллоҳ таоло ожизлигидан хунук инсонни хунук қилиб яратмаган. Бу имтиҳон дунёсидир. Махлуқни эҳтиром қилмасангиз ҳам, Холиқни эҳтиром қилинг!

Зухайр ибн Абу Сулабий айтган экан: «Йигитнинг тили унинг ярмидир. Қолган ярми эса, қалби». Жоҳилиятдаги шоир инсонлиги тили, қалби, туйғулари, лутфи, карами, бошқаларни ҳис қилиши, уларга ёрдам қўлини чўзиши, заиф ва мискинларга ёрдам бериши, фақирларни дўст тутиши билан билинади, демоқда. Инсонлар унинг наздида ана шу хислатлари билан ўлчанади, ичи бўш суврати билан эмас. Аммо кўпчилик ташқи кўринишга алданиб қолади. Улар инсоннинг инсонлиги бўйдорлиги, гавдаси, мускуллари бўртиб тургани билан деб ўйлашади. Бу хилдаги фикрлаш диндан узоқлик у ёқда турсин, ҳатто гўдакларча фикрлашдир!

Халифа Абдулмалик ибн Марвон шоирлардан Кусаййир Иззатнинг шеърларини яхши кўрар эди. Аммо унинг ўзини кўрмаган, суратини ўзича зеҳнида тасаввур қилиб юрар эди. Кусаййирни кўрганида эса ёқтирмаганини ошкор айтди. Шоир аччиғланиб бир неча байт билан Абдулмаликнинг оғзига урди (насрий баёни):

«Озғин кишини кўриб, ундан жирканасан. Аслида, унинг кийимлари ичида

қўрқинчли шер борлигини билмайсан. Сенга мўйлаби сабза урган йигитлар ёқади. Ваҳоланки, улар сенинг гумонларингни пучга чиқаришади. Бўйни узун қушлар кичик қушлардир. Бургут ва лочинларнинг бўйни узун бўлмайди. Шерлар ичида энг заифи бақироғи бўлади. Кучли шерлар бақирмайди».

Абдулмалик ундан таажжубланиб, узр сўраб, хурсанд қилиб жўнатди!

**«Набавий тарбия» китоби асосида тайёрланди**

*Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1506-рақамли ва 2023 йил 24 мартдаги 01-07/1959-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.*